




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (11.920)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

2011 йил – Кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлик йили

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши ва яратилаётган имкониятлар соҳа ходимларини янги-янги изланишларга ундумоқда. Айниқса, бунинг Истиқтолимизнинг кутлугу 20 йиллиги нишонланадиган йилга тўғри келиши мустақилликни мустаҳкамлашга ўз

хиссасини қўшишга бел боғлаган, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўши.

Ана шундай тадбиркорлар орасида «Tadbir» масъулиятчи чекланган жамияти раҳбари Акмал Акбаров ҳам бор. Мустақиллик йилларида тадбиркорликка очилган кенг йўл унинг ўйлаб юрган режаси, белгилаган гоясини амалга оширишида кўн келди. Аввалига у бир нечта малакали мутахassisни жамлаб, кичик цех ташкил этиди. Хорижий тикув дастгоҳлари ва замонавий усуналар билан жиҳозланган цехда маҳаллий хом ашёдан трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш йўлга кўйилди. Бозорни ўрганиши, ҳаридориди ва этиёжидан келиб чиқиши натижасида эркаклар ва болалар учун устки кийим-кечаклар тикилиб, истемолчиларга етказиб берилди. Сифат ва дизайнга қаратилган эътибор боис бу юртмачилар сафи кенгайшига эришилди. Бу эса ишлаб чиқариши кенгайтириши, янги дастгоҳлар кептириши, кўшимча иш ўринлари яратишни тақозо этиди.

Бугунги кунга келиб корхонада 22 нафар ишчи меҳнат қилиб, улар асосан хотин-қизлардан иборат. Президентимизнинг касанчиллигидаги Фармони ижросини таъминлашга хисса қўшиш мақсадида 4 та касаначи иш ўринлари яратилди, чеварларнинг ҳам корхона буортмалари тез ва сифатли бахарлишида муносиб улшибор.

— Таъқидлашим лозимки, тадбиркорларга берилсаётган ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланишига интиляпмиз, — дейди Акмал Акбаров. — Шу бисм ҳам ишлаб чиқариш ҳаммини йил сайнин оширишга эришмоқдамиз. Цехимизга ўрнатилган айланма тўкув дастгоҳи ёрдамида ўзимизга керакли хом ашё — мато тўклиди ва ундан фойдаланган хонда турли моделдаги кийим-кечаклар турини талабга кўра кўпайтирганимиз. Бу борада тажрибали модельер-бичиқчи Одил Косимовнинг маҳорати кўл келмоқда. Корхона ва ташкилотлар

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини модернизация қилиши ва демократлаштиришнинг навбатдаги устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Концепцияда илгари сурилган фоя ва ташабbuslar мамлакатимиздаги ислоҳотлар, демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларининг мантикий ҳамда конуний давомидир. Ушбу дастурий хужжат ўз ичига олган пухта ўнланган янада конунчиллик ташабbuslарининг ҳаётга татбиқ этилиши ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар каторидан хой олишига, ҳалқимиз учун янада фаронон турмуш шароитини яратиш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қиласди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг миллий давлатчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавzuида бўлиб ўтган имлй-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритиди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosari У.Вафоев, Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов ва бошқалар тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакатимиз ривожи ва ҳалқимиз фарононлигини оширишда муҳим омил булаётганини таъкидладилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизими яратилгани, иктисолид-ижтиомий соҳанинг ва фуқаролик жамияти институтларининг жадал равнак топаётгани, аҳолининг сиёсий-хуқуқий маданийи ва ижтиомий-сиёсий фаолигининг ошаётгани ҳам шундан далолатиди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш — Концепцияда белгиланган устувор йўналишлардид. Бу борада илгари сурилган катор муҳим тақиғлар шу йил апрель ойидаги қабул килинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim маддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-маддаларига)»-ги қонунда ўз ифодасини топди.

Суд-хуқуқ тизимини модернизация қилиш дастури босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани фуқаролар хуқуқ ва манфаатларига хизмат килмоқда. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланниш кафолатлари кучайтирилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоқча олишга санкцияни борада хуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларини асоси бўлган конун устуворлиги тамоилига қатъий риоя килинадигиди.

Концепцияда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириша доир ташабbuslar «Хабеас корпус» институтуни кўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг холислиги, бетарафлигини таъминлаши механизмини янада ривожлантириш, суд жараённада ўзаро тортишув принципини кучайтириш, жиной қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданийини оширишга қаратилган.

Мазкур масалалар конференция иштирокчilari томонидан кенг муҳокама этилди. Сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари, хуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, олимлар, мутахассис ва экспертлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбари

кил Ватан!» шиори остида адабий-бадиий кечакиши.

✓ БУГУН Ҳамза туманинаги «Тенгдош» маданийи уйидаги «Муқаддас маконим, Ўзбекистоним!» мавзусида тадбир уюштирилди.

XXI садоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иктисолид ислоҳотлар кўмитасининг кенгайтирилган йигилиши бўлди. Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ва Молия вазирлиги хузуридан бюджетдан ташқари Пенсия жамғараси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги аҳборот кўриб чиқиди.

• Тошкентда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, катор ҳалқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий аҳборот вositалари ҳодимлари иштироқида Жаҳон атроф-мухитни муҳофаза қилиш кунга бағишиланган тадбир бўлиб ўтди.

• Урганч шаҳрида «Ниҳол» мукофоти танловининг Хоразм вилоят босқичи ўтказилди. Унда эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, опера ижроилиги ва рақс санъати йўналишлари бўйича 47 нафар истедодли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этиши.

• Самарқандда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ҳаваскор санъат ва фольклор дасталари ўртасида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Буюк ва мұқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида «Барҳаёт анъаналар» фестивали бўлиб ўтди. Бой тарихимиз ва анъаналаримизни тараннум этишга, ўқувчи ёшларни миллий истиқбол гоёларни руҳида тарбиялашга қаратилган мазкур танловда ўнта жамоа ўзаро беллашди.

• «Жарқўронпахта» акциядорлик жамияти қошида лойиҳа киймати 100 миллион сўмлик паррандачилик корхонаси фойдаланишга топширилди. Ўн мингта товук, парваришилашга мўлжалланган ушбу корхонанинг ишга тушиши билан 20 киши иш билан таъминланди.

• Тошкентда Ҳалқ таълими вазирлигининг бевосита кўллаб-куватлаши остида ташкил этилган ва кейинги уч йил давомиди республикамизнинг турли вилюятларида фаолият кўрсатадиган «Ўқитувчilar учун инглиз тили» лойиҳасининг якунига бағишиланган конференция бўлиб ўтди.

• Удмуртиядаги ҳарбий аслаҳалар сакланадиган омборлардаги ёнғинлар бартараф этилиб, ҳозирда аҳоли ўз яшаш жойларига қайтиб келмоқда. Бугундан шикастланган ўйларни таъмирилаш ишлари бошланди. Яқин атрофдағи қишлоқларга тушган портламай қолган снарядлар зарарсизлантирилмоқда.

• Дастлабки тадқиқотларга кўра, Германияда тарқалган ва 22 кишининг ҳаётига зомин бўлган ўтқиричан инфекциясининг салатларга ишлатилган орқали юзага келган деган хуласа-га келинди. Ҳозирда батафсил текширув ишлари давом этмоқда.

• Жаҳонда учинчи поғонани эгаллаб турган Япония иктисолидиётни яна рецессия ҳолатига кирди: Йилнинг икки чораги давомиди қаторасига ушбу мамлакатнинг ялпи ички муҳсулоти қисқарип бормоқда. Масалан, январь-март ойларида Япониянинг ЯИМ ўтган чоракда солиширигандан 0,9 фоизга пасайди, 2010 йилнинг октябрь-декабрь ойларида эса ЯИМнинг пастлашиши 0,8 фоизни ташкил этиди. Японияда иктисолидиёт суръатларининг пасайшишига асосий сабаб 11 марта даги кучли зилзила ва цунамиидир.

• Германия ҳукумати атом энергиясидан бутунлай воз кечиш тўғрисидаги якуний қарорни қабул килиди. Бу борада қабул қилинган режага биноан, 2022 йилга бориб мамлакатда фаолият юритаётган тўққизга АЭСлар фаолияти тўхтатилади. Атроф-мухит муҳофазаси вазири Норберт Ретгеннинг сўзларига кўра, ушбу режа 2021 йили олтига, 2022 йили яна учта АЭСни бутунлай тўхтатишни кўзда тутади. Ҳозирда тўхтатилган яна саккизта станциянинг фаолияти эса қайта тикланмайди.

• Европа жаҳоний обсерваторияси тадқиқотчилари Сомон йўлининг эгизаги дея эътироф этилаётган, ердан тахминан 30 ёргуллик йили узоқликда жойлашган NGC 6744 галактикасини Ла-Сильва телескопи ёрдамида тасвирга туширишга муваффак бўлиши.

ЖАНОБИЙ КОРЕЯ ШИФОКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳиди эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада бу борада муҳим омил бўлаёт.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижорасини таъминлаш борасидаги ишларни жамғараси ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Софлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғараси томонидан оналик ва болалини муҳофаза қилиш максадидаги қатор хорижий мамлакатлар тиббёт муассасалари, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амала оширилаёт. Ҳусусан, Корея Республикаси Соғликини саклаш ҳалқаро жамғараси билан ҳамкорликдаги саъи-ҳаракатлар самарасида Ташкент вилоятининг ўртаочирик туманинг болалар шифохонасининг асосий биноси тўлиқ таъмирилашиб, маддий-техник базаси янада мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур жамғарма билан ҳамкорликда тиббёт соҳасида мутахассисларининг макасини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғликини саклаш ва зирлиги, «Софлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғараси ҳамда Корея Республикасининг Ин Ха универсиетидаги гостипатида имзоланган ҳамкорлик тиббётидаги битим доирасида Ин Ха универсиетидаги гостипати шифокорлари — кардиолог, ортопед, окулист, педиатр, жарроҳлар «Софлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғарасининг пойтакимиздаги тиббий-ижтиомий марказида, Тошкент вилоятининг Юқоричирчик туманинаги қарийялар пансионатида ҳамда «Навоий» эркин индустрӣал-ижтиомид зонасида жойлашган «Маликработ» кўргонида ўзбекистонлик ҳамкаслари билан бир-галидада аҳолини тиббий текширувдан ўтказди.

Жаҳоний кореялик шифокорлар, шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шахарларидаги тарихий обидалар ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларни билан ҳам танишилар.

(ЎЗА)

ҚИ

